

ТАЪЛИМ СИФАТИ ВА САМАРАДОРЛИГИНИ ЮҚОРИ БОСҚИЧГА КЎТАРИШ МУСТАҚИЛ ЮРТ ПЕДАГОГЛАРИНИНГ ДОЛЗАРБ ВАЗИФАСИДИР

Ҳ. Зулфиқоров,
Қашқадарё ВХТХҚТМОИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 1997 йил 29 августда Олий Мажлис I чақириқ IX сессиясида сўзлаган «Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори» нутқи ҳамда мазкур сессияда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг тасдиқланиши, янги «Таълим тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши билан мамлакатимиз таълим тизимининг меъёрий базасини тубдан янгилашга асос солинди.

Таълимнинг “Ўзбек модели” бутун жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилди. Жумладан, 2012 йилнинг 16-17 февраль кунлари Тошкент шаҳрида “Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти” мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди. Мазкур нуфузли анжуманда кўплаб йирик халқаро ташкилотлар ва молия институтлари, жумладан, БМТ, Осиё тараққиёт банки, Жаҳон банки, Ислом тараққиёт банки вакиллари, Буюк Британия, Германия, Италия, Хитой, АҚШ, Жанубий Корея, Япония, Россия каби дунёнинг 48 давлатидан таълим тизими раҳбарлари, олимлар ҳамда мутахассислар иштирок этди.

“... мамлакатимизда амалга оширилаётган Дастур – бу бошқа моделларни қандайдир такрорлаш ёки улардан нусха кўчириш эмас, аксинча, биринчи навбатда, ривожланган демократик давлатлардан тўпланган тажрибани ўзида мужассам этган ва, айти пайтда, шиддат билан ўзгариб бораётган ҳозирги замон талабларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган дастурдир (*Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг “Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти” мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқидан 17 февраль 2012 йил*).

Бугунги кунда илм-фан, техника ва ишлаб чиқариш соҳаларининг тез суръатларда жадаллик билан ривожланиши барча таълим муассасаларида таълим-тарбия сифатини мазмун жиҳатдан янги босқичга кўтаришни талаб этмоқда. Бу ўз ўрнида ҳар бир тизим ходими, айниқса, ўқитувчилар зиммасига янада юксак масъулият ва вазифаларни юклайди.

Халқ таълими тизимида сифатли таълимни жорий этиш мақсадида барча ўқитувчилар тушунадиган содда ва аниқ тилда “Устоз- шогирд”, “Дарс муқаддас”, “Ўрган-ўргат”, “Мураккаб фанни ўрганаман”, “Соғлом муҳит – соғлом жамоа”, “Узлуксиз ва узвий” ҳамда “Яхши муаллим – сифатли таълим” каби бир қатор инновациялар амалиётга жорий этиб келинмоқда.

Таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш, ўқитувчиларга амалий-методик ёрдам бериш, айниқса, мактабларда энди иш бошлаган ўқитувчиларга иш жараёнини тўғри ташкил этиши учун маслаҳатлар бериш, педагогик жамоалардаги тажрибали ўқитувчиларга издошларини бириктириш мақсадида таълим муассасаларида “Устоз- шогирд” мактаблари фаолияти йўлга қўйилди.

Республика бўйича 200 тумандан ҳар бир фан йўналишида ташаббускор, ижодкор, илғор ва ўз касбининг етук усталари, яъни “Устоз-ўқитувчилар” аниқланиб, уларга шу ҳудуддаги янгиликка интилувчан, доимий равишда ўз устида ишлайдиган, устоз маслаҳатига эҳтиёжи бўлган ўқитувчилар бириктирилди. Устоз-ўқитувчи фаолият кўрсатадиган мактабда “Касбий маҳоратни ошириш устахонаси” ташкил этилди ва шогирдлар билан режалар, қўшма режалар тузиш йўлга қўйилди. Ушбу тадбир таълим муассасаларида меъёрий ҳужжатлар асосида юритиб келинмоқда.

Бугун ўқитувчи ўзига ишониб топширилган ҳар бир соат дарсни муқаддас деб билиши ва унга заррача ҳиёнат қилиб бўлмаслигини ҳис этиши лозим. Ана шу мақсадда Халқ таълими вазирлиги томонидан таълим жараёнига “Дарс-муқаддас”, деб номланган инновация татбиқ этилди.

“Дарс муқаддас” тадбирини амалга оширишда ўқитувчининг дарсга пухта тайёргарлик кўриши, ҳар бир ўқитувчи дарсга сифатли ва пухта тайёрланмасдан киришни инсонийликка, пок виждонга ҳиёнат эканлигини ҳис қилиши, дарс ишланмаси (конспект)нинг таркибий қисмлари, ўқитувчининг дарсга кириши учун мавжуд бўлиши керак бўлган энг муҳим (минимум) ҳужжатлар, ўқитувчиларнинг дарсларини таҳлил қилиш ва дарс таҳлилига қўйилган талаблар, метод бирлашмалар фаолиятини ташкил этиш, фан ўқитувчиларининг “Билимлар беллашуви”да фаол иштирокини таъминлаш каби йўналишларда тавсиялар берилди.

Таълим- тарбияни сифат жиҳатдан юқори босқичга кўтариш учун ўзаро тажриба алмашиш усулидан фойдаланган ҳолда “Ўрган-ўргат” номи билан аталган, турли йўналишларни ўзида мужассасамлаштирган тадбирлар мажмуаси амалиётга татбиқ этилди. Ушбу “Ўрган-ўргат” тадбирини жорий этишда мактаблар ўртасида, туманлар ўртасида, ўқитувчилар ўртасида, директорлар ўртасида, директор ўринбосарлари ўртасида, ўқувчилар ўртасида бири-бирининг тажрибасини ўрганиш ва оммалаштириш, ўзаро дўстона рақобатбардошлик муҳитида иш жараёнини ташкил этиш мақсад қилиб олинди.

“Ўрган-ўргат” тадбирида иш тажрибаларни ўрганиш ва аниқланган камчиликлар юзасидан амалий ёрдам кўрсатиш, ходимларни мавсумий, бир-икки кунлик шаклда алмашиб ишлаш, бир-бирлари билан фаолиятга (муаммоларни аниқлаш ва ечимини топиш, баъзиларига ўргатиш мақсадида) оид дебат ўтказиш шаклларида фойдаланиш тавсия этилди.

Билимли ва интеллектуал ривожланган баркамол авлод соғлом муҳит мавжуд бўлган соғлом жамоада тарбияланади.

Шундан келиб чиққан ҳолда, амалиётга жорий этилаётган инновацияларнинг мантикий давоми сифатида таълим муассасаларида соғлом муҳитни шакллантиришга қаратилган “Соғлом муҳит- соғлом жамоа” деб номланган тадбирлар мажмуаси тадбиқ этилди.

Соғлом муҳит – таълим-тарбия жараёни иштирокчилари ўртасида ўзаро самимий ҳурмат, таълим-тарбия сифатини ошириш учун биргаликда фаолият кўрсатаётган аҳил жамоа, жамоадаги ҳар бир шахснинг қобилиятларини юзага чиқариш ва ривожлантириш учун яратилган шароит, дўстона, илиқ ва ишчан муҳит.

Шундан келиб чиққан ҳолда, соғлом муҳитни шакллантиришнинг асосий омиллари вазирлик тавсиясида кўрсатиб берилди.

Умумтаълим мактабларида соғлом муҳитни шакллантириш, энг аввало, мактаб раҳбариятининг бошқарув маҳорати ва касбий салоҳиятига боғлиқ. Раҳбар, аввало, масъулиятли, компетентли (*ўз касбининг моҳир устаси*), ташкилотчи, адолатли ва фидойи бўлиши зарур.

Мамлакатимизда етти таълим туридан иборат, бир-бири билан чамбарчас, кетма-кетликда, изчил ва узвий боғланган, яхлит узлуксиз таълим тизими жорий этилди.

Самарали дарс ўқитувчининг умумий тайёргарлиги орқали, умумий тайёргарлик эса, узлуксизлик ва узвийлик тамойилига асосланади.

Шу мақсадда вазирлик томонидан “Узлуксиз ва узвий” ташкилий-методик тадбирларни амалга ошириш тавсия этилди.

Бугунги ўқитувчи қўлида олиб юрган асосий иш қуроли ҳисобланган тақвим мавзу режа ва дарсликнинг мазмунини чуқур англай олиши жуда муҳим. Бунинг учун у, энг аввало, ўзи дарс бераётган фанга Давлат таълим стандартларида қўйилган талабларни тушуниб етсагина, мустақил равишда тақвим мавзу режа туза олади ва пировард натижага эришади.

Бунинг учун, албатта, ҳозирги замон ўқитувчисидан компетенциявий ёндашув талаб этилади. “Компетенция - бу бирор бир соҳага оид билим кўникма ва малакалар ҳамда уларни амалиётда қўллай олиш”.

Энг аввало, ҳар бир ўқитувчи ўзи дарс бераётган фани бўйича ўқув меъёрий ҳужжатларни яхши билиши лозимлиги ва бу меъёрий ҳужжатлар нимадан иборат эканлиги вазирлик томонидан кўрсатиб берилди.

Жумладан, умумий ўрта таълимнинг "Давлат таълим стандарти" бошланғич ҳамда умумий ўрта таълим ниҳоясида ўқувчилар эгаллаши лозим бўлган билим, кўникма ва малакаларнинг даражасини белгилаб беради, ўқув режа ва дастурлар, дарсликлар, қўлланмаларни ишлаб чиқишда асос бўлиб хизмат қилади.

Давлат таълим стандартларининг таркибий қисмлари: билим - ўрганилган материалларни эслаб қолиш ва тушунтириб бериш; кўникма - ўрганилган билимларни таниш вазиятларда қўллай олиш; малака - ўрганилган билим ва

шаклланган кўникмаларни нотаниш вазиятларда қўллай олиш ва янги билимлар ҳосил қилиш.

Таянч ўқув режа - ўқитиладиган фанлар номи, ўқув соатлари ҳажми ҳамда уларнинг синфлар бўйича тақсимооти белгиланган меъёрий ҳужжат бўлиб, мактабнинг молиявий таъминотини бегилашга асос бўлиши ўқитувчиларга кўрсатиб берилди.

Сифатли таълим халқона тилда айтганда, яхши муаллимга, ўқитувчи ва тарбиячига боғлиқ.

Юқоридаги инновацияларнинг мантикий давоми сифатида “Яхши муаллим – сифатли таълим” номли ташкилий- методик тадбирлар комплекси амалиётга жорий этилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, “яхши”, деган сўзнинг ортида доимо ижобийлик, самарали натижага эришганлик тушунчаси туради. Яъни, яхши муаллимларнинг яхшилиги уларнинг юқори натижаларга эришган ўқувчилари ҳамда жамиятда ўз ўрнини топган шогирдларининг кўплиги билан изоҳланади.

Яхши муаллим эга бўлиши керак бўлган хусусиятлар, касбий тайёргарликка эга бўлиши, дарс жараёнида педагогик ва ахборот - коммуникация технологияларидан ўз ўрнида самарали фойдалана олиши, дарсга қўйилган мақсадларга эришиши, дарс жараёнида ҳар бир ўқувчининг ақлий ва маънавий ривожланишига шарт-шароит, имконият яратиши, фан хоналари вазирлик тавсиялари асосида интерфаол усулда тайёрланиши, дарсларни юксак савияда ўтилишига доим тайёр ҳолатда бўлиши, фан тўғрагини самарали фаолият юритишга шароит яратиш ва фаолиятни самарали йўлга қўйиш, ота-оналарни фарзандларининг таълим-тарбия жараёнига кўпроқ ва кенгроқ жалб этиш, уларнинг хоҳиш-истакларидан келиб чиққан ҳолда тўғрақлар ташкил этиши, инсон ва устоз сифатида ўз ўқувчилари ва ҳамкасбларига шахсий намуна бўлиши ва бошқалар кўрсатиб ўтилди.

Хулоса ўрнида шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ўқитувчилар Халқ таълими вазирлиги томонидан сўнгги йилларда таълимни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш юзасидан берган тавсияларида таъкидлаганидек, «Ўқитувчининг дарсга пухта тайёргарлиги таълим муваффақияти ва самарасининг гарови» эканлигини онгида, тафаккурида доимо фаоллаштириб туриши, ўқитувчи ўзи дарс берадиган ўқув фанига оид янги илмий ва методик адабиётларнинг мазмуни билан, ўқитишнинг илғор педагогик технологиялари билан танишиши ва амалиётга қўллаши, дарсга пухта тайёрланмасдан киришни инсонийликка, пок виждонига ҳиёнат эканлигини ҳис қилиши ҳамда амалиётини шунга мослаштириб олиб бориши лозим.